

Ғийбатнинг сабаблари ва ундан қутулиш учун муолажалар (4-қисм)



18:40 / 12.05.2018 3082

4. Қўл остидагиларга ғазаб қилиш ва унинг муолажаси.

Айтганни қилмайдиган ходимлардан, қўл остидагилардан хафа бўлиб, уларни ғийбат қилиш замонамиз аҳлида одат тусига кирган. Мардикор, энага, шогирд ёки ходимлар буйруққа хилоф бирор иш қилиб қўйсалар, бошқарувчилар улардан хафа бўлиб, бошқалар олдида уларни ғийбат қиладилар. Уларга қаттиқ озор берадилар, ҳатто баъзан уларни урадилар ҳам. Ғийбатга сабаб бўладиган бу иш бир қанча йўллар билан муолажа қилинади.

Биринчи муолажа. Инсон аввало ўз буйруғига зид иш қилган ходимидан хафа бўлмасликка, уни жеркимасликка, ҳатто «уфф» ҳам демасликка ҳаракат қилиши лозим. Қўл остимиздагилар бизга итоатсизлик қилгани учун уларга ғазаб оловини сочмоқчи бўлганимизда ўзимизнинг ҳам Аллоҳ таолонинг қанчадан-қанча амрларига итоатсизлик қилганимизни кўз олдимизга келтиришимиз лозим. Бизнинг ғазабимизга учраган кишига кимдир ёрдамга келар, аммо ўзимиз Қаҳҳор бўлмиш Аллоҳнинг ғазабига қолсак, ким бизни паноҳига олиб, ҳимоя қилади?

Ривоят. Анас розияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Мадинада Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга (салкам) ўн йил хизмат қилдим. Мен ҳамма

ишим ҳам соҳибим (яъни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам) хоҳлаганларидек бўлавермайдиган бир ғулом (ходим) эдим. У киши менга бирор марта «уфф» ҳам демаганлар, (қилиш керак бўлмаган ишни қилганимда) «Нима учун бу ишни қилдинг?» ёки (бирор ишни қилмаган бўлсам) «Нима учун бу ишни қилмадинг?» ҳам демаганлар».

Ҳадис. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: « **Аллоҳ таоло биродарларингизни** (чўри ёки қул қилиб) **қўл остингизга бериб қўйди. Энди ўзингиз еган нарсадан уларга ҳам едиринг, ўзингиз кийган нарсадан уларга ҳам кийдиринг. Тоқатларидан ортиқ нарсани уларга юкламанг. Борди-ю юкласангиз, ўзингиз уларга ёрдам беринг».**

Иккинчи муолажа. Бирор ходим ёки фарзанддан камчилик содир бўлиши унга меҳрибонлик кўрсатиш учун айна имкондир. Сиз уларни ёмонламанг, балки уларнинг камчилигини кечиринг. Чунки «**Аз хурдон исён, аз бузургон имтинон**» деган гап борки, унинг маъноси кичикдан исён, каттадан эҳсондир (кечиримдир). Аллоҳ таоло кечирувчиларни дўст тутади, уларга буюк ажрлар ато қилади.

Ҳикоя. Маймун ибн Меҳроннинг чўриси косада шўрва олиб келаётиб, қоқилиб кетди ва уни Маймуннинг устига тўкиб юборди. Маймун уни урмоқчи эди, чўриси: «Эй хожам, Аллоҳ таолонинг «**...ғазабни ютувчилар**» деган сўзига амал қилинг», деди. У киши: «Шундай қилдим, ғазабимни ютдим», деди. Чўри яна: «Ундан кейинги «...одамларни афв қилувчилар» сўзига ҳам амал қилинг», деди. У киши: «Афв қилдим», деди. Чўри: «Ундан кейинги «**Аллоҳ муҳсинларни** (эҳсон, яхшилик қилувчиларни) **севади**» сўзига ҳам амал қилинг», деган эди, Маймун: «Сенга эҳсон қилдим. Аллоҳ учун озодсан», деди.

Насиҳат. Одамларнинг ҳолати жуда ачинарли. Хизматкори инсонлик юзасидан бирор камчиликка йўл қўйса, унга сира раҳм қилмайди, балки таҳқирлаб, озор беради. Хусусан, бу иш аёллар орасида жуда оммалашиб кетган. Ходими уларнинг хоҳишига тескари арзимас иш қилиб қўйса ҳам, ундан қаттиқ хафа бўлади. Ҳатто айтиб бўлмайдиган гаплар билан сўкиб, ҳақорат қилади, ортидан ғийбат ҳам қилади. Бутун вақти унинг айбларини баён қилиш билан ўтади. Баъзи эркаклар ҳам аёлидан ўрнак олган ҳолда, ходимларга моддий ва маънавий озор етказиш билан овора. Саъдий жуда тўғри айтган экан:

Занироки, жаҳласту норостий,

Балои сари худ, на зан хостий.

Назмий маъноси:

Хотин жоҳил бўлса, эгри, мубтало,

Хотинмас, бошингга тилабсан бало.

Насрий баёни: Хотининг нодон, норасо бўлса, хотин эмас, бошингга бало сотиб олибсан.

Ёмон (ғийбатчи) аёл фақат бошқаларга озор бериб қўяқолмай, балки ўзининг бу ярамас хислатларини эрига ва яқинларига ҳам юқтиради. Бу – нодон аёл бошга балолигининг бир кўринишидир. Аллоҳ паноҳ берсин!

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов